*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
29 октябрь
ШАНБА

№ 86
(12.410)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2011 йил 27 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда келгуси йилда мамлакатни ривожлантиришнинг бир қатор энг муҳим молиявий-иқтисодий ва дастурий ҳужжатлари: 2012 йилга асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳалари кўриб чиқилди.**

Мажлисда келгуси йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг барқарор юқори суръатлари сақланишини, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, капитал қўйилмалар, хизматлар кўрсатиш соҳаси ҳажмлари ўсишини, шунингдек, инфляция даражаси ошиб кетмаслиги таъминланишини назарда тутувчи 2012 йил учун макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози бўйича марказий иқтисодиёт ва молия идораларининг таклифлари ҳар томонлама таҳлил қилинди ва маъқулланди.

Муҳокама давомида алоҳида қайд этилдики, 2012 йил учун солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси аҳоли турмуш шароитлари ва даражасида янада ижобий ўзгаришларни таъминлашга, бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар миқдорларини оширишга, шунингдек, жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитларида мамлакатни барқарор иқтисодий ўстиришнинг энг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплекси амалга оширилишини назарда тутади.

Мажлисда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни янада рағбатлантиришга, шу жумладан, уларни ишлаб чиқарувчиларга илгари берилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддатларини узайтириш орқали рағбатлантиришга, капитал қўйилмаларга, йўллар ва қишлоқда уй-жойлар қуриш ҳамда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишлари кўламларини кенгайтиришга ажратиладиган бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари давлат жамғармалари ҳажмларини кўпайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар батафсил муҳокама қилинди.

Саноат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантиришни янада рағбатлантириш мақсадида мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш назарда тутилмоқда.

Алоҳида таъкидлаб ўтилдики, солиқ сиёсати концепциясида назарда тутилган жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича солиқ солиш шкаласининг минимал ставкасини бир фоизли пунктга пасайтириш, шунингдек, ҳозирги вақтда Ягона тариф сеткасининг ва меҳнатга ҳақ тўлаш тармоқ тизимларининг базавий даражаси сифатида қўлланилаётган бошланғич разряд ўрнига биринчи разрядни белгилаш, разрядлараро тариф коэффициентларини қайта кўриб чиқиш бўйича чора-тадбирлар аҳолининг барча гуруҳлари реал даромадларининг кўпайишига кўмаклашади.

Солиқ сиёсати концепциясида белгиланган барча рағбатлантирувчи чора-тадбирларни амалга ошириш келгуси йилда мамлакат иқтисодиётига солиқ юкини 0,7 фоизли бандга пасайтириш имконини беради.

2012 йилги макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан умуман маъқулланди. Уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Аҳоли бандлигини фаол оширишнинг муҳимлигини ва ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олиб, республика ҳукумати мажлисида жорий йилда иш ўринлари ташкил этиш чора-тадбирларининг натижалари, шунингдек, халқ депутатлари туман ва шаҳарлар кенгашлари депутатларининг фаол иштирокида ишлаб чиқилган 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнида республикада 815,5 мингта, шу жумладан, қишлоқ жойларда – 512,4 мингта янги иш ўринлари ташкил этилгани таъкидлаб ўтилди. Аҳоли бандлигининг энг юқори ўсиш суръатлари қурилиш, уй-жой-коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, савдо, умумий овқатланиш, транспорт ва алоқа соҳаларида қайд этилди.

Муҳокама давомида 2012 йил Дастури параметрлари меҳнат бозорида иш ўринларига бўлган эҳтиёж ва ишчи кучи таклифини таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида, демографик омилларни ҳамда иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартиришларни чуқурлаштириш чора-тадбирларини давом эттириш, ҳар бир тармоқ ва ҳудудни ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда белгиланганлиги алоҳида қайд этилди. Дастурда ёшларни, энг аввало касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Дастурнинг асосий йўналишлари, устувор вазифалари ва механизмларини жамоатчилик, энг аввало, тадбиркорлик субъектлари ўртасида кенг муҳокама қилиш ташкил этилди.

Мазкур Дастур лойиҳасида 2012 йилда қўшимча равишда 967,5 мингта янги иш ўрни, шу жумладан, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳамда фаолият кўрсатаётганларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, касаначиликнинг барча шаклларини кенгайтириш, шунингдек, ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига ташкил этиш назарда тутилган.

Корхоналар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарлари зиммасига янги иш ўринлари ташкил этиш параметрларига эришилишини, шунингдек, илгари ташкил қилинган иш ўринларининг сақланишини ҳамда барқарор фаолият кўрсатишини сўзсиз таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш юкланди.

Муҳокама натижалари бўйича 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси маъқулланди ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тасдиқлаш учун киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди, аҳоли бандлигини ошириш масалаларини амалда ҳал этишни давом эттиришга ҳамда шу асосда аҳоли даромадлари, фаровонлиги ва ҳаёт сифатини оширишга йўналтирилган барча тадбирларнинг бажарилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**ЎзА.**

**БУГУННИНГ ГАПИ**



## МАВСУМ МУАММОСИЗ ЎТАДИ

**Об-ҳаво совий бошлаши билан иссиқлик таъминотига, хусусан, табиий газга бўлган эҳтиёж ортади. Шу боис, жойларда куз-қиш мавсумида ушбу иссиқлик манбаини истеъмолчиларга талаб даражасида етказиб бериш жойлардаги мутасадди ташкилотлар зиммасига катта масъулият юклайди.**

Тошкент вилоятида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 11 июлда қабул қилинган "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2011-2012 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросига жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, электр энергияси, табиий газ узатиш ва иситиш тармоқлари таъмирланиб, уларнинг мавсумда беталафот ишлашига эришиш чоралари кўрилди.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлгани каби Олмалиқ шаҳрида ҳам мавжуд газ тақсимлаш пунктлари созлиги кўрикдан ўтказилиб, ўтган йили газ босими қишда пасайиб кетган ҳудудлардаги муаммоларга чек қўйилмоқда.

"Тошкентгазтаъминот" унитар корхонасининг "Олмалиқшаҳаргаз" филиали куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрди. Қарор асосида махсус режа ишлаб чиқилиб, ижроси назорат штаби гуруҳи томонидан таҳлил этиб борилмоқда. Аҳолидан тушган газ босимининг пасайиб кетиши ҳамда носозликлар билан боғлиқ мурожаатлар ўрганилиб, камчиликлар вақтида бартараф этилмоқда.

– Айни пайтда корхонамиз 34 мингдан ортиқ истеъмолчига хизмат кўрсатмоқда, – дейди "Олмалиқшаҳаргаз" корхонаси бош муҳандиси Абдуманноб Тошхўжаев. – Жорий йилда мавжуд 131 та газ тарқатиш нуқталари, юқори ва ўрта босимли газ тақсимлаш пунктлари техник тафтишдан ўтказилди. Шаҳарда аҳоли, корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари ҳамда маданий-маиший иншоотларни куз-қиш мавсумида меъёрида, узлуксиз табиий газ билан таъминлашга қаратилган ишлар изчил давом этмоқда.

Шунингдек, жорий йилда "Олмалиқшаҳаргаз" корхонаси томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида шаҳардаги бир нечта кўп қаватли уйлар ён-атрофлари қаттиқ ва маиший чиқиндилардан тозаланди. Мавжуд мевали ва манзарали дарахтлар тартибга келтирилиб, оқланди. Шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 15-мактабгача таълим муассасасида электр ёритгич ва улагичлар тизими, сантехника воситалари тубдан янгиланди ва бинонинг томи янгидан ёпиб берилди.

**СУРАТДА:** корхона бош муҳандиси Абдуманноб Тошхўжаев (ўртада), техник хизмат хавфсизлиги етакчи муҳандиси Акром Умаров ва чилангар Ҳусниддин Абдураҳимов.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

## ОИЛАВИЙ БИЗНЕС – ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

**Президентимиз Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши учун шароит яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.**

Пойтахтимизда оилавий бизнесни янада ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган анжуманда шу ҳақда сўз борди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси А. Каримов ва бошқалар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тобора ривожланаётгани халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётганини таъкидлади. Бу жараёнга нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

"Меҳр кўзда" марказида касб ўргатишга қаратилган лойиҳалар орқали 500 нафардан зиёд йигит-қиз ва аёлларга тикиш-бичиш, қандолатчилик, компьютер саводхонлиги бўйича бепул сабоқ берилди. Ушбу лойиҳаларга, асосан, Мирзо Улуғбек, Ҳамза, Юнусобод, Қибрай туманлари ва Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар қамраб олинди.

**ЎзА.**

## «РИО+20» АНЖУМАНИГА ТАЙЁРГАРЛИК

**Тошкентда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Иқтисодий тадқиқотлар маркази, БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги вакили ҳамда БМТТДнинг Братиславадаги минтақавий маркази ҳамкорлигида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбирда 2012 йилда Бразилияда ўтказиладиган "Рио+20" анжуманига тайёргарлик масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

"Рио+20" анжумани 1992 йил Рио-де-Жанейрода БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Халқаро конференциясининг 20 йиллиги ҳамда 2002 йил Йоҳаннесбургда барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган халқаро саммитнинг 10 йиллигига бағишланади. Унда мавжуд айрим муаммолар ва "яшил иқтисодиёт"ни ривожлантириш, барқарор ривожланиш учун институционал тизимни ташкил этиш масалалари муҳокама қилинади.

Мана 20 йилдирки, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш масалалари халқаро ҳамжамият кун тартибида турибди. 1992 йили Рио-де-Жанейрода БМТ бошчилигида бошланган жараён жаҳон лидерлари томонидан қўллаб-қувватланиб, узлуксиз характерга эга бўлди.

**"Туркистон-пресс".**

**БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!**

## ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИГИ – КЎРГАЗМАЛИ СУРАТЛАРДА

**Мустақил Ватанимиз тараққиёт йўлининг ҳар бир йили асрларга татигулик. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда қўлга киритилаётган улкан ютуқлар, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси кундан-кунга ўзгариб чирой очаётгани, халқимиз ҳаёти, фаровонлиги юксалиб бораётгани – буларнинг барчаси мустақиллик мевасидир.**

Истиқлолимизнинг йигирма йиллиги нишонланаётган жорий йилда мамлакатимиз эришган улкан ютуқлар янада кенг эътироф этилаётир. Уларни халқимизга етказиш, жаҳонаро намойиш этиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Маънавият" нашриёти томонидан "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" мавзуида чоп этилган туркум плакатлар ана шу мақсадга хизмат қилади.

Уларда мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишлари, Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари, халқимиз ҳаётидаги юксалишлар, тўкинлик ва фаровонлик ёрқин суратларда акс этган. Юртимизда яшаётган турли миллат вакиллари, ўсиб келаётган навқирон авлод, интеллектуал салоҳиятли, юксак маънавиятли ёшларнинг бахтиёр қиёфаси ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон эришган ютуқлар салмоғи факт ва рақамлар, қиёсий-таҳлилий маълумотларда янада ёрқин намоён бўлади. Плакатлардан ўрин олган ана шундай далил ва рақамлар юртимиз мустақил тараққиёт йўлларини ўқувчи кўз олдида яна бир бор намоён этади ва уни мушоҳадага чорлайди. Шу азиз Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаш, мустақилликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш, тинч ва осойишта кунларимизнинг қадрига етишга ундайди.

"Жаҳон бизга тан бермоқда", "Юксак маънавият – енгилмас куч", "Қишлоқ ободлиги – юрт ободлиги", "Иқтисодиётимиз локомотивлари", "Озод юрт тимсоллари", "Ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи" каби мавзулардаги плакатлар барча таълим муассасалари ўқувчилари, кенг аҳоли қатлами онгу тафаккурини кенгайтириш, уларни мустақиллик ғоялари руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

**ЎзА.**

## КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***«Ўзэкспомарказ»да V Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа давом этмоқда***

27 октябрь куни мамлакатимиз саноат комплексининг геология, ёқилғи-энергетика сектори, кимё ва нефть-кимё саноати, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар, қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда истеъмол товарларини қайта ишлаш каби турли тармоқлари бўйича 15 тақдимот маросими бўлиб ўтди.

"Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ва "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компаниясининг тақдимотлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Негаки, бу тармоқларда ресурсларни тежаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли дастур мамлакатимизнинг жаҳон энергия ресурслари бозорига дадил кириб бораётган ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунда "Ўзбекнефтгаз" интеграциялашган уч поғонали холдинг компания ҳисобланади. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада унинг экспозициясини "Ўзнефтгазқазибчиқариш", "Ўзгеобурғунефтгаз", "Ўзнефтмаҳсулот", "Ўзтрансгаз", "Ўзнефтгазқурилишинвест", "Ўзнефтгазмаш" акциядорлик компаниялари намойиш қилмоқда. Жорий йилда "Тўйтепа металл қурилмалари" акциядорлик жамияти илк бор ўз маҳсулотларини тақдим этаётир.

"Ўзбекнефтгаз" компанияси стендларида 94 турдаги анъанавий маҳсулотлар, 24 турдаги янги ўзлаштирилган маҳсулотлар ва яқин йиллар ичида ишлаб чиқариш режалаштирилаётган 14 турдаги истиқболли маҳсулотлар, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига 2012 йил ҳамда яқин келажакда ўзлаштириш учун таклиф этилаётган 200 хилдан ортиқ импорт маҳсулотлар намойиш қилинаётир.

– Холдинг компаниямизнинг аввалги форумларда иштирок этиш тажрибаси салмоқли иқтисодий самара бермоқда, – деди "Ўзбекнефтгаз" компанияси бош бошқармасининг ягона техник сиёсат бўлими бошлиғи Ерген Турсинбоев. – Бу валюта маблағларини тежаш, қўшимча ишлаб чиқариш ва технологик линияларни ишга тушириш, иш ўринларини яратиш ва янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш имконини берди.

Шуниси муҳимки, сўнгги беш йилда нефть-газ соҳасида Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларининг сони 19 дан 60 тага, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 28,3 миллиард сўмликдан 130,7 миллиард сўмликка етди. Бунда ўсиш суръатлари 461,8 фоизни ташкил қилди.

(Давоми 2-бетда).

**2012 йил учун ОБУНА**
**бошланди «Тошкент ҳақиқати»**
**газетаси индекси – 205.**

# КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Бу галги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа доирасида компания 2012 йил учун тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар харид қилиш ҳамда хизматлар кўрсатиш бўйича қиймати 370,9 миллиард сўмлик 240 дан зиёд шартнома тузишни, ишлаб чиқариш ўсиш суръатини 2011 йилги прогноз кўрсаткичларга нисбатан 120,1 фоизга оширишни режалаштирмоқда.

Электр энергетикаси Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, бугун соҳада муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда, энергия таъминоти корхоналари модернизация қилиш жараёнлари амалга оширилаётир. Буларнинг барчаси "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси тақдимотларида ёрқин намоён бўлмоқда.

"Ўзбекэнерго" мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳолисини энергия ҳамда кўмир билан барқарор таъминлаш, электр энергетикаси соҳасида ягона техник сиёсатни амалга ошириш бўйича асосий вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ўз таркибининг уйғунлигини таъминламоқда. Бу эса, ўз навбатида, компанияга лойиҳа, қурилиш-монтаж, созлаш, фойдаланишга топшириш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш имконини бераётир.

"Ўзбекэнерго" таркибига 54 корхона киради. Бу йилги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада 12 корхона қатнашмоқда. Уларнинг экспозицияларида маиший ва саноат ҳисоблагичлар, ўтга чидамли материаллар, кўмир брикетли мини-печлар, электр узатиш линиялари ва темир йўлларни электрлаштириш учун таянчлар – жами 200 турдан ортиқ маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

Экспонантлар орасида мамлакатимиз кўмир саноатининг йирик компанияларидан бўлган "Ўзбеккўмир" очиқ акциядорлик жамияти алоҳида ўрин эгаллайди. Саноатчилар форумида компания томонидан ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган 28 турдаги, жорий йилда ўзлаштирилган 3 хил мутлақо янги маҳсулот – рангли қуйма буюмлар (втулка, шайбалар), тишли шарлар ва тоғ-транспорт ҳамда тоғ-шахта ускуналари учун кабель учликлари бу ерга ташриф буюрганлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

"Ўзбекэнерго" компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Розиқул Раимовнинг айтишича, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа, жумладан, тендер савдоларини ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун кенг имкониятлар очиб бераётир. Ўтган йили мазкур тадбирларда компания қиймати 120 миллиард сўмлик 414 шартнома тузган эди. Жорий йилда эса қиймати 144 миллиард сўмдан ошадиган шартномалар имзолаш кутилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилинган 2011 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада мамлакатимиз ҳудудлари ҳам ўз саноат салоҳиятини кенг намойиш этмоқда. Хусусан, Андижон вилояти ҳам ўз ютуқларини муваффақият билан тақдим этди.

1996 йилнинг июлида Асака шаҳрида автомобиль заводининг ишга туширилиши, 2007 йилда эса унинг негизида "General Motors" компанияси иштирокида йилига 250 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга "GM Ўзбекистон" қўшма корхонасининг ташкил этилгани истиқлол йилларида Андижон вилояти иқтисодий ҳаётидаги муҳим воқеалар бўлди.

Айни пайтда ушбу ҳудудда машинасозлик соҳасида фаолият кўрсатаётган 30 дан зиёд корхона қишлоқ хўжалиги учун ускуналар ҳамда техника ишлаб чиқармоқда. МДҲ мамлакатлари ҳудудида ягона ҳисобланган ва ташқи бозорларда харидоргир бўлган "Андижон" русумидаги дизель сув насосларини ишлаб чиқараётган "Андижонмаш" акциядорлик жамияти шулар жумласидандир. Шунингдек, вилоятда пахта тозалаш заводлари учун ускуналар ишлаб чиқарадиган "Тожметалл", экскаватор ва кранлар учун гидроцилиндрлар тайёрланадиган "Ирмаш" акциядорлик жамиятлари, темир йўл вагонларини ишлаб чиқарадиган ҳамда таъмирлайдиган "Андижон механика заводи" ишлаб турибди. Бундан ташқари, бу ерда фаолият кўрсатаётган "SDK-GROUP" хорижий корхонаси автомобиль фильтрлари, "Ўз Коджи" ва "Андижонкабель" шўъба корхоналари электр техника саноат маҳсулотларини намойиш қилаётир.

Мамлакатимиз вилоятларининг Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада фаол иштирок этиши юртимиздаги ва хорижий шериклар билан кооперация алоқаларини кенгайтириш, бўлажак инвесторларни топиш ҳамда кейинчалик ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқиш имконини бермоқда.

**М. МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).



# КУЗГИ БУҒДОЙНИ ЭКИБ БЎЛИШДИ

**Одатда, кўпни кўрган тажрибали фермерлар кузги буғдойни иложи борича эртароқ экиб олишга ҳаракат қилишади. Бу бежиз эмас. Эрта униб чиққан буғдой майсаси илиқ-иссиқ кунларда яхши илдиз отиб, қалин туплаб, қишнинг қирчиллама совуғига бардошли бўлиб олади. Демак, кўчат тўлиқ ва бақувват бўлиб, қишдан дуркун чиқади ва эрта кўкламда тез ва соғлом ривожга киради.**

Янгийўл туманидаги "Мирзажон баққол" фермер хўжалиги аъзолари шунга одатланишган. Улар буғдойнинг "Таня" нави агротехникасини яхши ўрганганлари боис ҳар йили шу навни экиб, шартнома мажбуриятларини ортиғи билан бажаришади. Ўзларига ҳам 16 аъзонинг кам-кўстини қоплайдиган даражада анчагина буғдой қолади.

– Бу йил ҳам кузги ғаллага мўлжалланган 29 гектар майдондаги пахта ҳосилини барвақт йиғиб-териб олиб, 17 октябрда уруғ сепишни бошлаган эдик, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Жўрабой Мирзажонов. – Олдиндан яхши тайёргарлик кўрганимиз боис, экишни қисқа муддатда якунлаб олдик.

– Кузги буғдойни пахтадан бўшаган майдонга экишнинг битта муҳим афзаллиги бор, – дейди хўжалик иш бошқарувчиси Илҳом Мирзажонов. – Тайёр эгатларга енгил ва текис сув тараб, уруғликни тез ва тўлиқ ундириб олиш имкони кенг. Бу – кўчат бут, гектарлар тўлиқ, пировардида хирмон баракали дегани.

**СУРАТДА:** (чапдан) туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассиси Собир Исмоилов ва фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Илҳом Мирзажонов.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

**Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.**
**(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 46-модда)**

**Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишга катта эътибор берилмоқда. Уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда кенг иштирок этишини таъминлаш, интеллектуал даражасини ошириш ва ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. "Sharq ayoli" халқаро хотин-қизлар ижтимоий жамғармаси ҳам, ўн икки йилки, ушбу хайрли ишларга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.**

Мазкур жамғарманинг ўтган давр мобайнида амалга оширган ишлари муҳокамасига бағишланган тадбирда давлат ва жамоат арбоблари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгашининг раиси А. Каримов ва бошқалар истиқлол йилларида мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳаётида хотин-қизларнинг роли муттасил ошиб бораётганини таъкидлади. Ўзбекистон 1995 йилда БМТнинг Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциясига қўшилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан "Аёллар йили" деб эълон қилинган 1999 йилда ташкил топган "Sharq ayoli" халқаро хотин-қизлар ижтимоий жамғармаси ўз фаолият йўналиши бўйича нафақат Марказий Осиё, балки МДҲда дастлабки ташкилот бўлди. Хотин-қизларнинг ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва Шарқ аёлининг замонавий қиёфасини жаҳон миқёсида ёрқин намоён этишга қаратилган дастурларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ушбу жамғарма салмоқли натижаларга эришди. Айни пайтда жамғарма хотин-қизлар учун мўлжалланган, ижтимоий-ҳуқуқий, тиббий-соғломлаштириш, таълим ва бошқа масалаларни қамраб олган махсус дастурларни амалга оширмоқда.

Бунинг учун жамғарма таркибида ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, инновация технологияларини жалб этиш ва саралаш, лойиҳаларни молиялаш масалалари билан шуғулланадиган тўртта департамент ташкил этилди. Шу тариқа амалий ва гуманитар фанлар соҳасидаги лойиҳалар ҳамда ишланмаларни жорий этишга кўмаклашиш, янги, юқори рентабелли технологияларни қўллаш бўйича тавсиялар бериш, инновацион ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш имконияти пайдо бўлди.

Тадбир қатнашчилари жамғарманинг ижтимоий шериклик масалалари бўйича фаолиятини ўргандилар ҳамда янги лойиҳалар билан батафсил танишдилар. Улар орасида "Хотин-қизлар саломатлиги", "Хотин-қизларга ижтимоий ёрдам", "Грант асосида ўқитиш" каби кўплаб лойиҳалар бор.

**С. ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИ – ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасида ўтган ўқув-амалий семинарда шу ҳақда гапирилди. Унда манфаатдор вазирлик ва идоралар, ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этаётган мамлакатимиз компания ва фирмалари, хусусий сектор вакиллари қатнашди.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона статистикаси маркази бошлиғи А. Сагитов, Давлат божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Саидов ва бошқалар истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий божхона хизмати мамлакатимиз иқтисодий барқарорлиги ва хавфсизлигига муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади. Бунга унинг фаолияти мунтазам такомиллаштирилаётгани, хусусан, тизимга ахборот технологияларининг жорий этилаётгани туфайли эришилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги, "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилингани божхона хизматида ахборот технологияларини комплекс равишда ўзлаштириш имконини бераётгани қайд этилди. Божхона органлари фаолиятига декларация қилишнинг электрон шаклини жорий этиш 2007 йилда бошланган бўлиб, ўша йили ҳудудий бошқармалар божхона постларида юкларнинг божхона декларациялари маълумотларига автоматлаштирилган ишлов бериш тизими синов тариқасида жорий қилинган эди.

Махсус электрон калит билан тасдиқланган юкларнинг божхона декларацияси электрон нусхасидан фойдаланиш мамлакатимиз божхона хизмати фаолиятини такомиллаштириш борасидаги янги босқич бўлади. Электрон декларация қилиш божхона хизмати ахборот тизимини модернизациялаш ва тизимда ахборот технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш имконини беради. Энг муҳими, божхона расмийлаштируви жараёни муддатининг қисқартирилишидан манфаатдор тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратилади.

– Ишончимиз комилки, бу технологиянинг қўлланиши божхона хизмати учун ҳам, биз, яъни ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун ҳам фойдалидир, – дейди "Шоҳрух-Сервис-Ниҳол" хусусий фирмасининг божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиси Шуҳрат Отажонов. – Электрон декларация қилиш меҳнат ресурсларидан янада самарали фойдаланиш ва юксак савияда хизмат кўрсатишни кўзда тутади. Менимча, мамлакатимизда унинг жорий этилиши нафақат зарур ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнини енгиллаштириш, балки бу жараёнда иштирок этувчи томонлар масъулиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

**ЎзА.**

**Кўпчиликка аёнки, мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида сайёҳликни замон талаблари даражасида ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда сайёҳлик Ўзбекистон иқтисодиётининг тез суратлар билан ривожланиб бораётган жабҳаларидан бири ҳисобланади.**

# «ЎЗБЕКИСТОН – МИНТАҚАНИНГ САЙЁҲЛИК МАРКАЗИДИР»



Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасидаги давлат сиёсатининг янги тамойиллари ишлаб чиқилиши баробарида бу жабҳани ривожлантиришнинг миллий модели ҳам шаклланди. Дунёнинг кенг жамоатчилигини юртимизнинг бой маданий мероси ва тарихий осориатиқалари билан таништириш мақсадида турли халқаро кўргазма-ярмаркалар ташкил этилмоқда. Улар орасида ҳар йили ўтказиладиган "Ипак йўлида сайёҳлик" Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси алоҳида шуҳрат қозонганки, мазкур халқаро анжуман сайёҳлик йўналиши бўйича Марказий Осиёдаги энг йирик ярмаркалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, "Ипак йўлида сайёҳлик" Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасининг навбатдаги анжумани мамлакатимиз пойтахтида жорий йилнинг 2-4 ноябрь кунлари бўлиб ўтади. Унда алоҳида ва ўзига хос сайёҳлик маҳсулоти таклиф этилади. У қадимда Буюк Ипак йўли ўтган ҳудудлардаги мамлакатлар бўйлаб маданий-таништирув ва фаол сайёҳлик турларидан иборатдир. Айнан шу боисдан ҳам мазкур ярмарка БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти шафелигида сайёҳлик соҳасида ўтказиладиган энг муҳим халқаро тадбирлар рўйхатига киритилган.

Мамлакатимиз пойтахтида ҳар йили ўтказиб келинаётган ушбу ярмарка дунёнинг турли бурчакларидан бу соҳада шериклик алоқаларини ўрнатишга, янги сайёҳлик маҳсулотларини тақдим этишга ҳамда наф келтирадиган шартномаларни тузишга интилаётган меҳмонларни ўзига жалб этмоқда. Жорий йилда ярмарка ишида 500 дан ортиқ чет эл сайёҳлик компанияларининг, шунингдек, қарийб 100 нафар хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳозир бўлиши кутилмоқда.

Республикамиз сайёҳлик салоҳияти ва тарихий-маданий меросини янада оммавийлаштириш, шунингдек сайёҳлик соҳасида дунёнинг бошқа мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида хорижий давлатларда ҳам бу мавзуга бағишланган турли тадбирларнинг ўтказилиши анъана тусига кириб қолган.

Хусусан, яқинда Ўзбекистоннинг Сингапурдаги дипломатия ваколатхонаси томонидан мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими ўтказилди. Унда иштирок этган Сингапурнинг етакчи сайёҳлик агентликлари ва ОАВ вакиллари Ипак йўли бўйлаб сайёҳликни ривожлантириш, ўзбек халқининг бой тарихий, маънавий ва маданий мероси, мамлакатимизнинг жуғрофий, табиий иқлим шароитлари, шунингдек, сайёҳликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳамда сайёҳлик индустриясида яратилган сармоявий имкониятлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар билан танишдилар.

Сингапурдаги "Raffles Holidays" сайёҳлик агентлигининг бош директори Шида Али Ўзбекистон ҳукумати томонидан сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, дунё аҳамиятига молик кўп асрлик меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва уларни асраб-аввайлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни юқори баҳолади. Унинг фикрича, Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий мероси дунё сайёҳларини ўзига жалб этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

"Exora Travel" ва "Country Holidays" сайёҳлик агентликларининг раҳбарлари Муҳаммад Нур ва Энди Йео таъкидлашларича, Ўзбекистоннинг бой маданий ва тарихий мероси ҳар икки мамлакат сайёҳлик компанияларига сайёҳлар сонини оширишга қаратилган ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун жуда қулай шарт-шароитларни яратади.

Улар Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасини янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар яқин келажакда халқаро сайёҳлик бозорида "Ўзбекистон сайёҳлик маҳсулоти" муваффақиятининг гарови бўлиб қолишига ишонч билдирдилар.

"EDN Media" компаниясининг бошқарувчи директори Иззат Исмоил фикр билдирганидек, кўплаб ноёб меъморий обидалар қатори юртимизнинг гўзал табиати ва замонавий сайёҳлик инфратузилмасининг мавжудлиги Ўзбекистоннинг минтақадаги етакчи сайёҳлик маркази эканлигидан далолатдир.

Бўлиб ўтган тақдимот маросими якунида Сингапурдаги кўплаб сайёҳлик компаниялари томонидан ўзбекистонлик туроператорлар билан амалий ҳамкорлик ўрнатилишидан, шунингдек, 17-Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси чоғида "Ўзбектуризм" Миллий компанияси билан биргаликда сингапурлик туроператорлар ва ОАВ вакиллари учун инфо-турнинг ташкил этилишидан манфаатдор эканликлари маълум қилинди.

**"Жаҳон" АА.**

**Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони иш билан банд бўлмаган аҳолини уй меҳнатига жалб этиш, касаначиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ижтимоий ва меҳнат кафолатларини таъминлаш борасида муҳим дастуриламал бўлмоқда.**

# АНГРЕН КАСАНАЧИЛАРИ

Жорий йилнинг ўтган даврида Тошкент вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси саъй-ҳаракати билан вилоятдаги 675 корхонада касаначилик асосида етти мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этилди.

Ангрен шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказидан олинган маълумотга кўра, бу ерда жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 37 йирик ҳамда кичик саноат корхоналарида 430 киши касаначилик асосида ишга жойлаштирилган. Айни пайтда касаначиларнинг асосий қисми шаҳардаги "Ўзбеккўмир", "Ангренцемент", "Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси", "Назарбекавтойўл" корхоналари, Ангрен логистика маркази каби субъектларда меҳнат қилмоқда.

– Касаначилар билан тузилган шартномалар ўзини тўла оқламоқда, – дейди Ангрен шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Турсунали Юсупов. – Олиб борилган мониторинг натижаларига кўра, касаначилар фаолиятидан йирик ва кичик саноат корхоналари, ташкилотлар мамнун бўлмоқда. Бугун касаначилик ҳар томонлама фойдали меҳнат тури эканлиги яққол намоён бўлмоқда.

"Ўзбеккўмир" очиқ акциядорлик жамияти ва унинг филиалларида айни пайтда 75 нафар касаначи ишламоқда.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ МАСЪУЛИЯТИ

**Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллиги халқимиз ҳаётининг жуда кўп жабҳаларида эришилган ютуқларга бир қур назар солиш ва ундан амалий хулосалар чиқариш имконини берди. Хусусан, мамлакатимиз миқёсида ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этиш йўлида ўтказиб келинаётган ислоҳотлар дунё ҳамжамиятининг эътироф ва таҳсинига сазовор бўлаётгани сир эмас. Икки палатали парламент фаолияти, давлат, нодавлат ва хусусий хўжалик субъектлари жадал тараққиётининг ҳуқуқий меъёрлари белгилаб берилиши эса қонунбузарлик ва коррупция сингари иллатларнинг кескин камайишига олиб келди.**

Маълумки, юридик актлар расмийлаштирилишида давлат нотариусларининг касбий савияси муҳим аҳамиятга эга. Шу боис бу соҳага доир қонун ва қонуности ҳужжатлари мунтазам такомиллаштирилмоқда, жаҳон андозалари даражасига тенглаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Адлия органлари ва муассасалари фаолиятини такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига асосан 2003 йилда жорий этилган амалдаги қонунларга қатор ўзгартиришлар киритилди. Бу ўзгартиришларнинг муҳим жиҳатлари шулардан иборатки, масалан, 2-моддага кўра, олий юридик маълумотга эга бўлса-да, 25 ёшга тўлмаган, бошқа юридик муассасаларда 2 йил ишламаган ва нотариал идораларда 2 йиллик стажировкани ўтамаган шахслар нотариуслик лавозимига қўйилмайди. 8-моддада нотариусларнинг беш йилда бир марта малака оширишлари қатъий тартибда белгиланган. Мазкур ҳужжатлар негизида Адлия вазирлиги тасдиқлаган "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқнома"га ҳам айрим ўзгартиришлар киритилди. Бу йўриқнома нотариуслик фаолиятининг барча қирраларини қамраб олган бўлиб, ҳуқуқий ҳаракат мезонларини аниқ-равшан белгилаб берган мазкур йўриқнома "Умумий қоидалар", "Нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг умумий қоидалари", "Нотариал ҳаракатларнинг айрим турларини амалга ошириш қоидалари", "Чет эл ҳуқуқи нормаларининг қўлланилиши. Халқаро шартномалар" ва "Якуний қоида" деб аталган бешта бобдан иборатдир. Улардан иккинчи ва учинчи бобларда амалдаги нотариал ҳаракатларнинг моҳияти ва қоидалари баён этилган. Чунончи, учинчи боб, учинчи параграфнинг 58-бандида "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиб олувчи Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақаларида яшовчи фуқаролари бўлганда, уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиб олиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш ёки гаровга қўйиш битимларини нотариал тасдиқлаш ва кейинчалик уларни "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасида давлат рўйхатидан ўтказиш фақат Тошкент шаҳри ва вилояти ҳокимликлари ҳузуридаги Махсус комиссиянинг Тошкент шаҳри ва вилоятида рўйхатдан ўтказишга рухсат бериш, уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиб олиш тўғрисидаги қарори тақдим этилган тақдирда амалга оширилади" деб уқтирилган.

Қисқаси, Ўзбекистондаги нотариал ҳаракатлар тизими мустақиллик йилларида такомиллашиб, ҳуқуқий давлат ва инсон ҳуқуқлари муҳофазаси тамойилларига мос равишда амалиётга кирди.

**София ҲУСАНОВА,**
**Ангрен шаҳар 1-давлат нотариал идораси нотариуси.**

## XXI аср ва дунё



**Исроил самолётлари 27 октябрь куни тонгда Ғазо сектори ҳудудига зарба берганлиги ҳақида хабар тарқатди The Jerusalem Post газетаси.**

### ЖАНЖАЛ ОРТИДА КИМ ТУРИБДИ?

Исроил мудофаа қўшини баёнотига таяниб тарқатилган хабарда айтилишича, бомбардимон пайтида жангариларнинг учта базаси ва қурол-яроғ омборига шикаст етказилди. Жабрланган одамлар ҳақида маълумот йўқ.

Исроил ҳарбийларининг айтишича, Ғазодаги объектларга ҳужум 27 октябрга ўтар кечаси Исроилга берилган ракета зарбасига қарши жавобдир. Фаластин томонидан "Град" тизимидаги учта ракета отилган эди. Шу боис Тель-Авив шаҳрига туташ ҳудудда ҳаво тревогаси эълон қилинди. Ракеталар аҳоли истиқомат жойлари яқинига келиб тушди. Ўлганлар ва яраланганлар йўқ. Фақат бир неча киши руҳий ёрдам сўраб врачларга мурожаат қилишган.

Ушбу ракета зарбаси ва бомбардимон Исроил билан ХАМАС ҳаракати ўртасида маҳбусларни алмаштиришга оид музокаралар муваффақиятли якунланганидан кейинги биринчи тўқнашув бўлди. Исроил мудофаа қўшинларининг беш йилдан буён Фаластин турмасида ётган зобити Гилад Шалит Исроилга қайтариб берилди. Ўз навбатида Иерусcалим 477 фаластин маҳбусларини озод этди, кейинроқ яна 550 нафари қўйиб юборилди.

Исроилнинг "Гаарец" газетаси ёзишича ракета ҳужуми ортида қайси фаластин гуруҳи турганлиги ҳозирча номаълум. Исроил разведкасининг фикрича, ХАМАС музокараларда муваффақиятга эришгани учун ҳарбий тўқнашув чиқаришдан манфаатдор эмас. Демак, тўқнашув ортида ХАМАСнинг рақобатчиларидан бири турган бўлса ажаб эмас.

## НИГОҲ

# КИМГА ХАВФЛИ, КИМГА ХАВФСИЗ ЎЙИН

**Тожикистоннинг кўпчилик фуқаролари қатори мен ҳам юқори мансабли амалдорларгагина тегишли бўладиган махфий ахборотлардан хабардор бўлолмаслигим боис, оммавий ахборот воситалари нимани хабар қилишса шунга, атрофимда юз бераётган воқеа-ҳодиса ва вазиятларга қараб хулоса чиқараман. Афсуски, бу хулосалар хурсанд қиладиган эмас.**

Мана, Осиё-плюс агентлиги статистика агентлигига таяниб маълум қилдики, "Мустақил Тожикистонда ўртача иш ҳақи биринчи марта 100 доллардан ошди". Аниқлик киритадиган бўлсак, 103 Америка долларига тенг бўлди. Сарлавҳанинг мазмунига қараганда, бу натижа мамлакатнинг мустақил тараққиёт даври учун катта ютуқ эмиш. Аммо, бу масалага бағишлаб, ҳеч қандай тантана уюштирилмади ва тўғри қилишди. Негаки, бу ютуққа ўхшамаяпти. Бунинг устига оммавий ахборот воситалари МДҲ мамлакатларидаги ўртача иш ҳақлари рўйхатини долларда эълон қилди. Мана, солиштириб кўринг: Россия – 805, Қозоғистон – 595, Озарбайжон – 440, Ўзбекистон – 326, Украина – 318, Туркманистон – 200, Қирғизистон – 158. Беларусь бўйича ҳам маълумотлар келтирилган – 513. Бироқ, бу мамлакатда яқинда юз берган воқеалар ушбу кўрсаткични анча пасайтириб юборди.

Энди ижозатингиз билан мен ҳам бироз мулоҳаза юритиб кўраман.

Шундай қилиб, ўртача иш ҳақи – 103 доллар. Бу қанча? Кўпми ёки кам? Камгина эмас, жуда кам. Ахир, ундан ҳали солиқ олинади ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш керак бўлади.

Мисол тариқасида мамлакат пойтахтини олиб кўрайлик. Шаҳар ҳокими савдо ходимларига гўштнинг бир килограмини кўпи билан беш доллардан сотишни, бир қоп уннинг нархини эса, 32 доллардан оширмасликни таклиф этаяпти. Эътибор беринг-а, ҳоким энг паст нархни тавсия этаяпти. Аслида эса, нарх-наво анча баланд. Аммо, ўртача иш ҳақига, ҳатто, энг арзон нархда ҳам бор йўғи уч қоп ун ёки кунига бир килограммдан кам гўшт сотиб олиш мумкин. Бир-икки киши бир амаллаб жон сақласа бўлар, бироқ, бизнинг оилаларимиз кўп болали, яна кексалар ҳам бор. Уларни ҳам боқиш керак-ку! Ахир, одамлар фақат нон ва ун маҳсулотлари билангина кун кечиришлари керак эмас-ку! Ваҳоланки, одамлар шундай қилишяпти ҳам. Негаки, булар одамни тўқ тутади-да. Лекин, оз-оздан бўлса-да, сут, шакар, ёғ, гуруч ҳам сотиб олиш керак. Мевасиз бир амаллаш мумкиндир-у, бироқ, сабзавот ва кўкатларсиз узоққа бориб бўлмайди. Бундан ташқари кийим-кечак ҳам зарур-ку!

Бир нечта қўшни оилалардан сўраб-суриштирдим. Уларнинг топиш-тутиши 100 долларга бормайди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва турли хизмат нархлари кундан-кунга кўтарилиб бораяпти. Мен уларга ўзимнинг ҳисоб-китобларим ҳақида сўзлаб бердим. Улар кулиб қўйишди. Афсуски, бу кулгу жуда синиқ кўринди менга. Шу аҳволда ҳам ҳазил қилишга уринишади:

– Сенга еб-ичиш бўлса кифоя. Бу пулга бизнинг дастурхонимизда қуруқ нон ва шакарсиз қайнаган сувдан бошқа ҳеч вақо бўлмайди. Биз уйимизда ўтириб ишламаётганимизни, ҳар куни ишга пиёда боролмаслигимизни нега ҳисобга олмадинг? Тўғри, айримлар пулни тежаш учун бир неча километр йўл босиб, ишга пиёда бориб келади. Иш жойида тушлик ҳам қилиш керак. Тежамни ўйлаб, ишга озгина егуликни ҳам уйдан олиб бориб, оиламиз аъзолари ризқини ҳам қияяпмиз. Баъзи оилаларда шундай ҳам бўладики, ишлайман деганларни кўчага чиқмай, уйда ўтиришга мажбур қилишади ота-оналар. Мақсад – йўл кира ва тушлик овқат пулини тежаш. Ахир, йўл ҳақи ва овқат пули иш ҳақидан ҳам ошиб кетади-да. Демак, иш ҳақи ҳеч нарсага етмайди. Буёғига халқ қандай кун кўраётгани ҳақида ўзинг ўйлаб кўравер.

Қўшнимнинг раъйини қайтармай, мулоҳаза юритишни давом эттираман.

Яқинда бир ақлли одам айтдики, эътиборни ўртача иш ҳақига қаратиш керак эмас. Унинг гапига қараганда, бизнинг гастарбайтерларимиз ўз оилаларига фақат Россиянинг ўзидан жўнатиб туришган икки миллиард доллардан кўпроқ пул ҳеч қаерда ҳисобга олинмайди. Яна айтдики, Тожикистонда ҳамма ҳам давлат муассасаларида ишлайвермайди. Статистика идорасида фақат бюджетда ишлайдиганларнинг иш ҳақлари ҳисобга олинади. Бизда эса, кўпчилик хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади, томорқасига ҳам эга. Бинобарин, аҳолининг аниқ даромадини тўғри ҳисоблаб чиқариш жуда мураккаб иш. Қисқаси, ўша ақлли одам, ҳатто, шундай ҳам дедики, Тожикистон аҳолисининг кўп қисми учун иш ҳақи асосий даромад манбаи эмас.

Мен аҳмоқ бўлсам ҳар доим бунинг аксини, яъни иш ҳақи ҳар ким учун оилавий бюджетнинг энг асосий ва муҳими, кафолатланган манбаи деб ўйлаб келар эканман. Мустақиллик йилларида бошқача фикр юритиларкан: иш – асосийси эмас.

Балки, бундай иш ҳақи учун ишлаб овора бўлмай, уйда ўтириб, Россиядан келадиган 500 долларни кутган ёки томорқада тикиллатиб, сархил маҳсулотлар билан дастурхонни тўлдирган маъқулдир. Ёки президент даъват этаётганидек, бу маҳсулотлар қолган умрга етиши учун ҳужрага ғамлаб қўйган яхшидир. Балки, тадбиркорлик қилиш керакдир. Ахир айрим ақлли одамлар наздида уларнинг еганлари олдиларида, емаганлари кетларида-ку.

Мен оммавий ахборот воситалари орқали билган яна битта йўли бор. Қўрқмай, пора олиш керак. REGNUM ахборот агентлигининг хабарида айтиладики, Душанбе шаҳар Исмоил Сомоний тумани суди Тожикистон телевидение ва радиоэшиттириш қўмитаси тижорат хизматининг собиқ бошлиғи Ҳабибулло Ташриповни йирик миқдорда қаллоблик қилган ва ҳужжатларни қалбакилаштирганликда айблаб, 13 минг доллар жарима тўлашга ҳукм қилди, мол-мулкини мусодара этди ва шу заҳотиёқ суд залидан озод қилди. Гўё "Қани, бу ердан жўна, фақат бир ярим йил ўтгунча, телерадиоқўмитада ишлашни хаёлингга ҳам келтирма" дегандек.

Бир томондан бечоранинг омади юришмади – 30 минг доллар пора олаётганида қўлга тушиб қолди. Афтидан, ўз иш ҳақини асосий даромад манбаи деб ҳисобламаган бўлса керак. Юқори мансабли амалдор 6 йил ҳалол ишлаб топадиган миқдордаги пулга бир йўла эришмоқчи бўлган. Хайриятки, унинг бахтига пораҳўрларга турмада жой йўқ. Бошқача қилиб айтганда, давлатга етказган зарарингни қопла, жаримани тўла, гўллигинг ёки хасислигинг сабабли бирор қариндошинг номига ўтказиб қўймаган мол-мулкингни топшир-да, "бу ердан жўна".

Бундай йўлни президентнинг ўзи ўйлаб топган. Имомали Раҳмоннинг ташаббуси билан мамлакатнинг жиноят кодексига киритилган ўзгартиришга мувофиқ иқтисодий ва молиявий соҳадаги жиноятчиликда айбланганлар жаримани тўлаб, зарарни қоплаганларидан сўнг қамоқ жазосидан озод қилинади. Амалдорлар учун айнан мос ташаббус. "Маъноси" шуки, амалинг қанча йирик бўлса, шунча катта пора ол! Олганидан сўнг кутади – қўлга тушадими-йўқми? Ушлаб олишганда ҳам турмага қамашмайди. Пул эса, бундайларда жарима учун ҳам, зарарни қоплаш учун ҳам ҳар доим топилади. Агар омади келиб қолса, қўлга тушмайди. Навбатдаги порага бемалол тайёргарлик кўравериши мумкин. Россия телевидениесида битта ўйин бор-ку, "Русская рулётка" деган. Жуда хавфли ўйин. Аммо, Тожикистондаги пора олиш ўйини мутлақо хавфсиз.

Оммавий ахборот воситаларини ўқишни бас қилиш пайти келди. Акс ҳолда ақл жунбушга келади, мияга турли ўй-фикрлар кириб олади. Қўшнимга айтишим керак. Интернетдан кўчириб олган бундай ахборотларни олдимга олиб келавермасин. Менинг уйимда компьютерим йўқ. Қайси пулимга ҳам олардим уни? Ўртача ойлик иш ҳақимгами?..

**Соймуддин МАМАЗОИРОВ.**
**www.centrasia.ru**

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## "ART WEEK STYLE.UZ – 2011"

# КЎЗА – ФАЗОВИЙ ТАФАККУР ШАКЛИ

**Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройида VI Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси доирасида "Кўза – фазовий тафаккур шакли сифатида" лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, рассом ва дизайнерлар, амалий санъат ихлосмандлари иштирок этди.**

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида санъатнинг барча турларини, жумладан, миллий ҳунармандлик ва халқ амалий санъатини изчил ривожлантириш, соҳа мутахассислари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Юртимизда жаҳон андозалари асосида санъат масканлари барпо этилаётгани, бадиий таълим тизимининг сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани, кўплаб халқаро кўргазмалар ўтказилаётгани миллий санъатимиз тараққиётига хизмат қилмоқда.

"Кўза – фазовий тафаккурнинг шакли сифатида" лойиҳасига биноан ташкил этилган кўргазмада турли шакл ва ҳажмдаги олтмишдан ортиқ турдаги ранг-баранг кўза, хум ва бошқа сопол буюмлар намойиш этилмоқда. Юртимизда кўзага қадимдан поклик, фаровонлик, мўл-кўлчилик, ҳаёт абадийлиги ва донишмандлик рамзи сифатида қараб келинган. Кўзалар нафақат маиший мақсадларда фойдаланиладиган буюм, балки бой маданиятимиз ва миллий урф-одатларимизни акс эттирган миллий ҳунармандлик маҳсули ҳамдир. Кўргазмадан ёш кулоллар томонидан нозик дид билан ишланган кўплаб идишларнинг жой олгани миллий ҳунармадчилигимиз анъаналари бардавомлигининг амалдаги ифодасидир.

– VI Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси доирасида ташкил этилаётган ранг-баранг кўргазмаларда рассомлар, санъатшунослар билан бирга кўплаб санъат ихлосмандлари, талаба-ёшлар, ўқувчиларнинг ҳам иштирок этаётганини кузатдим, – дейди франциялик фотоижодкор Ив Форестьер. – Бу халқингизнинг маданиятга, санъатга қизиқиши катта эканидан далолатдир. Биенналеда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан таниқли рассомлар ва санъатшуносларнинг иштирок этаётгани эса мазкур анжуманнинг халқаро миқёсдаги нуфузи тобора ошиб бораётганини кўрсатади.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ШАНБА ФЕЛЬЕТОНИ

# АСОМ ҒАДАНГ ЁҚА УШЛАДИ

Ҳикмат қиличнинг бетоблиги ҳақидаги хабардан даврада ўтирганлар бир қалқиб тушишди.

– Кўзини очиб, гаплашиб ётибдими ўзи?! – сўради Эрмат ҳовлиқма.

Ҳамма унга олайиб қаради.

– Ҳа, энди иссиқ жон...

Ҳовлиқма гапини тугата олмади, Асом ғаданг уни жеркиб берди:

– Нафасни иссиқ қил, хомкалла! – Кейин Ҳаким оқсоқолга ўгирилиб, қўшиб қўйди. – Оқсоқол, ҳол сўраб чиқмаймизми?

– Аввал Раҳимжон бирров хабар олиб чиқсамикин, – салмоқланди Оқсоқол.

Раҳим чаққон чорпоядан тушиб, калишини оёққа илди:

– Мен ҳозир!

Давра хаёлга чўмди: "Ҳамиша тетик, бир гапириб – ўн кулиб юрадиган Қиличга нима бўлди?"

Бир чойнак чой ичгучалик фурсат ўтмай, нариги кўча муюлишидан аввал Қилич, изма-из Чаққон узун-қисқа бўлиб чиқиб келишди. Даврага жон кирди. Оқсоқол: "Хайрият-е!" деб қўйди. Салим писмиқ: "Янгамиз...", – деб гап бошламоқчи эди, Ғаданг бир қараш билан дамини кесди.

– Олимбой, қайнатмангизнинг қайнови тингандир?

Олим пичоқчи дик этиб ўрнидан турди, ошхона томон юрди. То Қилич одамлар билан ҳол-аҳвол сўрашиб, даврада жой эгаллагунича, патнис тўла коса кўтариб келди. Кетидан чойни янгилади.

Шўрва ичилгунича, ортиқча гап-сўз бўлмади. Ниҳоят, Қилич ҳам косага қайноқ чой қуйдириб, бир хўплашда ичиб юборди. Очил чойхоначи бўш косаларни олиб кетди. Шундан кейингина Оқсоқол Қиличга ўгирилди. Шуни кутиб турган эканми, у шарақлаб кулиб юборди. Даврадагилар ҳайрон. Ниҳоят, у елкасидан рўмолни олиб, кўзёшини артди:

– Кичик набирам бир эшак олиб беринг, деб қўярда-қўймади. Охири ўғлим, биласиз, фермер хўжалигида катта олмазор ҳам қилган: "Ота битта эшак бўлса, олиб берақолайлик, – деди. – Бир арава ясасак, молларга ўт-пўт ташиб юрар". Шу гап далда бўлиб, кеча Янгийўлга, чоршанба бозорига бордим. Шу пайт бир эшак бозорга кириб келди денг. Чиройли, топ-тоза. Эгар-жабдуқлари яп-янги. Қайишлари ялтирайди. Ўзи калтақадам, йўрғалайди. Хуллас, шуни бор-барака қилдим. Миниб келаяпман-у, учаман дейди. Йўрғалаганида унча-мунча от-потни қолдириб келаяпти денг. Катта йўлнинг бўйида, салқин бир чойхонада тўхтадим. Эшакни симёғочга бойладим, диконглаб турипти, ҳамманинг кўзи унда. Барвақт йўлга тушиб, толиққан эканман, нонуштани тугатмаёқ кўзим илинди. Бироз мизғиб олай, кейин жўнайман деб ёнбошладим. Уйғонсам, кун пешиндан оғипти. Чойхона гавжум. Аста туриб ташқарига чиқдим. Қарасам, ҳалиги ўйноқлаб, учаман деган эшак йўқ. Симёғоч тагида бир эшак ётипти, ағанаб эгарни оғдириб юборипти. Ҳаммаёғи чанг. Агар нўхтасини танимаганимда бу бошқа эшак деган бўлардим. Охири бўлмади, чангчунгини қоқиб-суқиб, эгарни тўғрилаб, сакраб миндим – бели узилгудек бўлиб букилиб кетди. Хихлайвериб, томоғим қирилса ҳамки, асло юрай демайди. Хуллас, судрагудек бўлиб, кечки пайт бир амаллаб уйга етказиб келдим. Бет-қўлимни ювиб, айвонда ётиб олдим. Шу алпозда тонг оттирдим. Болалар ташвишланиб, доктор чақиришибди. Ҳализамон Раҳимжон кириб борди.

Қилич гапини тугатмай, яна кулиб юборди. Даврадагилар воқеани англашганди. У ўзининг алданганидан, учарларга обдон "ем" бўлганидан куларди.

– Менинг аҳволим олдида бу ҳеч гап эмас, Ҳикматвой, – деди Пичоқ ҳам кулимсираб. – Ўртанчамга отдан теккан. Чавандоз бўламан дейди. Ўртоқлари билан бориб, бозордан бир той олиб келди. Бир йил боқди, ювиб-таради. Лекин яхши чиқмади. Шалпанқулоқ, кўримсиз бир от бўлди. Йўртови қисқа, силтаниб юради. Ҳар силтанганида устида ўтирганнинг бели узилиб кетай дейди. Хуллас, шуни бозорга олиб чиқиб, тузукроқ, улоқбоп бир от олиб келиш зиммамга тушди. Тонг ёришмасдан етказиб бордим. Биринчи харидоргаёқ сотиб юбордим, савдолашиб ҳам ўтирмадим. Қарасам, тузукроқ от кўзга ташланмади. Чойлашиб, бирор соатдан кейин яна бозор айландим. Қарасам, бир от – қулоқлари тик, кўзлари ўйнаб турипти. Нуқул ер тепинади, чопсам, учсам дейди. Хуллас, шуни олдим. Савдосиниям эрталаб сотган отимдан икки баробар юқорисига аранг келиштирдим. Хуллас, отни миниб йўлга тушдим. Елиб келаяпти денг. Бир пайт қишлоқ йўлига яқинлашдим. Юганни силтаб, ишора қилмасимданоқ, йўлни қишлоққа солса бўладими! Гузарга етмаёқ, маҳалламиз кўчасига қараб кишнаб юборди. Уйимизга яқинлашмасимдан ўзи эшикни мўлжаллаб қолди. Ҳовлида йўлни тўғри отхонага солди, аранг эгардан сакраб тушдим. Тўғри охурга борди. Эгарни олиб, юганни чиқардим. Нўхта арқонини устунга бойладим. Охурга беда ташлаб, бир томоша қилай деб, чироқни ёқдим. Қашлағични қўлга олиб, отга яқинлашдим. Не кўз билан кўрайки, ҳалиги дик қулоқ шалпайиб тушган, бош силкиши, пишқириши ҳам таниш. Зеҳн солиб қарасам, жонивор – ўзим сотган от! Фарқи – нархи икки карра ошганида! Иссиғим чиқиб кетди. Дод деб юборгим келди, лекин айб ўзимда бўлгани учун тилимни тишладим. Болаларга раҳматки, мен кекса аҳмоққа ортиқча гап қилишмади.

Пичоқнинг гапи оёқламаёқ даврада пиқир-пиқир кулги кўтарила бошлаган эди. Чаққоннинг ҳикояси сабаб, чойхўрлар ёппасига кулиб юборишди.

– Набираларга бир серсут сигир олиб берай дедим, – чойдан бир хўплаб, давом этди Чаққон. – Биласиз, Йўғонтепада Кабирполвон исмли дўстим бор. Ўзи молбозорда айланишиб юради. Шунга телпон қилдим-да, мақсадни айтдим. Келавер, деди. Эрта тонгда етиб бордим. У машинага ўтқазиб, сотиладиган моллари бор хонадонларни айлантира кетди. Икки-уч қишлоқда бўлдик, илло, кўрсатишган сигирлари менга ёқмади. Чошгоҳ пайти бир қишлоқда Полвон: "Шу хонадонда ҳам мол олиб-сотиб юришади, – деди. – Бир кўрайлик-чи". Кирдик. Катта оғилхонада етти-саккиз чоғли қорамол. Чироқ ёқилиши билан бир четдаги қизғиш сигир эътиборимни тортди. Яқинлашиб бордим, сағрини силаб-сийпалаб, обдон томоша қилдим. Сигирмисан-сигир ўзиям. Топ-тоза, ялтирайди. Елини ҳам тирсиллаб турипти. Қолган бўлса, уч-тўрт кунлик вақти қолган. Пешонасига қўл оборган эдим, бошини силкитди. "Бегонасираяпти" деб ўйладим. Полвонга "Шуни олиб бер" дедим. У ерга қаради, ташқарига йўл олди. Эргашдим. Машина ёнида менга ўгирилди. Қарасам, унсиз кулаяпти. "Ўтир" деди машина эшигини очиб. Бироз юргач, кула-кула изоҳ берди:

– Бу саккиз ёки тўққизта бузоқ берган қари сигир.

– Наҳотки, – дедим лол қолиб. – Эти ёш, йилтираб турипти. Шохлари-чи, шохлари? Ҳали ўсиб улгурмаган.

Машинани катта йўлга бураётиб, Полвон хандон ташлаб кулди:

– Шохими? Учдан икки қисмини кесиб, эговлаб, ёш молнинг шохига ўхшатиб қўйишган. Кўрдинг-ку, қўлингни оборишинг билан силкинди. Сен бўлсанг, бегонасираяпти, деб ўйладинг. Шохини асради, шохини! Қўл эмас, шамол қаттиқроқ тегиниб ўтса ҳам шохи зириллаб оғрийди бечоранинг. Шундан зада у.

– Одам шунчалик ҳам кўзга чўп соладими-а? Инсоф, диёнат...

Ғаданг сўзини тугата олмади. Оқсоқол секингина:

– Белни оғритмай пул топишга ружу қўйилса, инсофу диёнатга путур етади, мулла Асомиддин, – деб қўйди.

Ғаданг ёқа ушлади.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**

РАССОМ ХАНДАСИ




## Ниёзбош ҳангомалари

### ҚАЛАМПИРНИ АЧЧИҒИДАН ЧАЙНАНГ

Ниёзбошликлар кўкат етиштиришда устаси фаранглар. Қишда ҳам ёздагидек сархил кўкатлар ўстириб, яхшигина даромад қиладилар. Ҳусанбойнинг иссиқхонасидаги кўкатлар айни қишнинг чирсиллаган кунларида етилди. Кўтарасига олувчи харидорлар кетма-кет келишди. Бироқ, нархига келишолмаганлари сабабли умидсиз қайтиб кетишаверди.

Халқимизда одам оласи ичида деган нақл бор. Келган одамларнинг кўнглидан нима кечганлигини Ҳусанбой қаёқдан билсин...

Эрталаб барвақт турган Ҳусанбой бет-қўлини ювгач, иссиқхонадаги ҳароратни кўриб қўяй деб эшигини очдию жойида тошдек қотди. Не кўз билан кўрсинки, барқ уриб ўсиб турган кўкатлардан асар ҳам қолмапти. Ўртадаги устунда оқ қоғозга катта ҳарфлар билан "Қилган меҳнатингизга рози бўлинг! Савдо келганида сотиш керак эди" деган ёзув турарди.

### ҚИШЛОҒИМИЗГА КЕЛИБ ТУРИНГ

Халқимиз меҳмондўст. Бирор йиғин, тўй-томоша қилса, борини дастурхонга тўкади. Меҳмонларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилади.

Абдусаттор ака кичик ўғлини уйлантириш тадоригини кўриб, ошпазни шаҳардан айттирди. Нима эмиш, шаҳарлик ошпазлар тайёрлаган ошни тўйга келганлар тагигача ялаб қўярмиш. У кишининг гапига ака-укалар ҳам ҳа деб қўяқолишди.

Тўйдан бир кун олдин келган шаҳарлик ошпаз Абдусаттор ака тайёрлаган ош масаллиқларини кўриб, бўлмайди, деди. Гуручнинг бир килосига бир кило гўшт солмаса оши ўхшамасмиш. Қўй думбасию қази-қартани ҳам икки ҳисса олишни айтди. Абдусаттор аканинг дили ранжиган бўлса-да, унинг айтганларини бажо айлади.

Ошпаз дегани ҳар томонни ўйласа яхши экан. Лекин шаҳарлик ошпаз акамиз тўйдан кейин қозонда қолган ошу гўштларни кўриб:

– Ҳечқиси йўқ. Қолган ошни қўни-қўшни, қариндош-уруғларга тарқатиб юборасизлар, – деди-да ўзи билан олиб келган бой товоғига гўшт, қази-қарталарни босиб, устига икки капгир ош солиб, сумкасига жойлади. Тўй эгаси Абдусаттор акамиз ошпаз билан ҳисоб-китоб қилиб, куёви Суннатиллага ошпаз товоғини машинага олиб чиқишни буюрди. Суннатилла қайноғасининг кайфияти бузилганини кўриб, ошпазнинг бой товоғини сумкадан чиқарди-да, ичидаги гўшт, қази-қарталарни қайтадан қозонга солиб, товоқни гўшти обдон шилиб олинган суяклар билан тўлғазиб, устига икки капгир ош солиб, сумкага жойладида, ошпазнинг кетидан олиб чиқиб:

– Ошпаз ака, қишлоғимизга келиб туринг, – деб хайрлашди.

### ТАББАСИГА ТАЯНДИ

Бир пайтлар ГАЗ-24 "Волга" автомашинасининг қора ранги урф бўлганди. Абдухалил ака ҳам машинанинг шу рангига ишқибоз бўлиб қолиб, Тошкентдаги машина бозоридан харид қилолмай, йиққан-терганини белига тугиб, Горький шаҳри қаердасан, деб йўлга тушди. Ҳар жойнинг ўз учарлари бор дегандек, содда Абдухалил акамиз Горькийнинг учарларига учради.

Горькийдаги машина бозорини айланиб ҳориган Абдухалил ака четроққа чиқиб дам олиб ўтирган эди, икки барзангидек йигит келиб:

– Акахон, биз сизни анчадан бери кузатиб юрибмиз, машина харид қилиш ниятингиз борлигини ҳам биламиз, – дейишибди. – Сизга айнан ГАЗ-24 "Волга" керак, шундайми?

– Қаердан билдинглар?

– Биз буни бозор оралаб юрганингиздаёқ сезгандик.

– Машина сотасизларми?

– Сотганда қандоқ.

– Машинанглар қаерда? Кўрсам бўладими?

– Албатта, – дея йигитлардан бири ёнидан янги ўйналган пул-буюм лотореясини чиқарди.

– Лотореяни нима қиламан? Менга янги қора рангдаги ГАЗ-24 машинаси керак.

– Мана шу лотореяга ГАЗ-24 "Волга" ютуғи чиққан. Ишонмасангиз, мана, газетага солиштириб кўришингиз ҳам мумкин, – деди бояги лоторея кўрсатган йигит.

Абдухалил ака қараса-ки, ҳақиқатдан ҳам лотореядаги рақамлару серияси газетадаги "Волга" автомашинасига тўғри келаяпти. Йигитлар билан савдолашиб, кўнгилни хотиржам қилган Абдухалил ака, уйдагиларга совға-саломлар олиб, ортига қайтди.

Уйига келган Абдухалил ака тезда жамғарма банкига бориб, сотиб олган лотореяси ва газетадаги ютуқни банк ходимларига кўрсатди. Банк ходимлари лотореяни текшириб кўришиб, унинг қалбаки эканлигини айтишди. Зудлик билан чақирилган тез ёрдам машинаси Абдухалил акани касалхонага олиб кетди.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.**

**Тошкент шаҳри, Бектемир туманидаги "BEKTEMIR TRANS SERVIS" МЧЖга тегишли GAZ 322132-288 русумли, давлат рақами 01/905ОВА автомобилга тегишли бўлган транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси (техпаспорт) йўқолган. Ушбу гувоҳномани топиб олганларни мукофот эвазига қайтариб беришларини сўраймиз.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳ. Бойқаро кўчаси, 51-уй. Тел.: 710-27-10.**

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 2009 йил 5 августда 004927-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Юнусобод тумани, Н. Носиров кўчаси, 38-уй манзилида жойлашган "MA`BAKHTUN" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 301282504) **ТУГАТИЛАДИ.**

Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 406-44-55 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:** Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Жўра САЪДУЛЛАЕВ**
Навбатчи **Ирода НОРБОЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1042. Адади 6640. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.45. 12345